

## **“ТЎЛИҚ АПЕЛЛЯЦИЯ” , “ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН АПЕЛЛЯЦИЯ” – ФАРҚИ НИМАДА?**

**З.Х. Охунова**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши  
хузуридаги Судьялар Олий Мактаби маъмурий ҳуқуқ  
йўналиши тингловчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Тақдим этилган мақолада ривожланган хорижий давлатларида маъмурий судлар ташкил этилишининг ҳуқуқий тарихи, апелляция инстанциясининг жорий этилишининг тарихий асослари ўрганилган, “тўлиқ” апелляция ва “тўлиқ бўлмаган” апелляцияларнинг ҳуқуқий асослари ва уларга хос хусусиятларини таҳлил қилинган. Илмий иш бўйича амалга оширилган таҳлиллار асосида маъмурий суд иш юритишни такомиллаштириш тақлифлари берилади.*

**Калит сўзлар:** судьянинг устидан апелляция, суд қарорига нисбатан апелляция, суд мажлиси баённомаси, апелляция берилишининг тартиби, “тўлиқ” апелляция, “тўлиқ бўлмаган” апелляция.

### **АННОТАЦИЯ**

*В представленной научной работе изучены история развития административных судов, возникновение и становление института апелляции и кассации, сделан анализ «полной» и «неполной» апелляции. На основании проведенного анализа даны предложения по совершенствованию административного судопроизводства.*

**Ключевые слова:** апелляция на судью, апелляция на решение суда, протокол судебного заседания, порядок подачи апелляции, “полная” апелляция, “неполная” апелляция.

### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда химоя қилишни амалга ошириш ва таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида судлар тизими, судларнинг ваколатлари, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш бўйича фаолиятининг тартиб-тамоийллари аниқ белгиланган бўлиб, мустақиллиги кафолатларини, суд иш юритиш принципларига риоя этиш, ҳар бир фуқарога бузилган ҳуқуқ ва

эркинликларини химоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш назарда тутилган.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

“Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси”нинг 8-моддасида, ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эгадир.

Декларациянинг 10-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга<sup>1</sup>.

“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ҳалқаро Пактнинг 3-моддасида эътироф этилишича:

Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий химоянинг самарали воситаси билан таъминлаш;

б) ана шундай химоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик химоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминланиши ва суд орқали химояланиши имкониятини ривожлантириш;

в) ҳуқуқий химоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг қўлланилишини таъминлаш<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали химоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Конституциямизнинг бу нормаси “Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида”ги Декларациянинг 32-моддасига мувофиқ келади. Апелляция ва

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси

кассация иш юритуви маъмурий суд иш юритувида суд химоясига бўлган ҳуқуқий кафолатининг муҳим процессуал институти ҳисобланади<sup>3</sup>.

Дунё миқёсида апелляция жорий этилгунга қадар суд қарорлари қатъий ва уларга нисбатан шикоят қилиш мумкин бўлмаган. Айнан шу сабабли ҳам XIX аср ҳуқуқшуноси Ф.М.Дмитриев апелляцияни “ҳалқ ҳаётидаги сўнги ўзгаришлардан бири” деб ҳисоблаган<sup>4</sup>.

Умуман олганда, апелляция қачон пайдо бўлган? Ғарбда апелляция институтини кириб келишини рим ҳуқуқи билан боғлашади. Россияда апелляция институти Петр I ҳукмдорлик қилган даврга тўғри келади. Қадимги Рим ҳуқуқ тарихига назар соламиз. III асрнинг иккинчи ярмидан VI асрнинг бошигача Рим тарихида тубдан ислохотлар амалга оширилган. Шу даврда Диоклетиан Римнинг маъмурий тузилмасининг ислохотларини амалга оширган, провинцияларнинг ҳудудлари торайтирилган ва уларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган. Шу боис суд тизими ҳам ислохотлаштирилган. Янги ташкил қилинган провинцияларда биринчи инстанция судларида судья вазифасини бажариш ҳуқуқи провинцияни ҳукмдорларига берилди. Шундай судьянинг қарори устидан императорга ёки унинг ёрдамчисига (империянинг олий мансабдор шахсига) апелляция бериш мумкинлиги эътироф этилди. Провинциянинг қуйи судлар қарорларига нисбатан провинция ҳукмдорларига шикоят қилиш мумкин бўлган. Апелляция сони чекланмаган.

Апелляциянинг норматив жиҳатдан такомиллаштирилиши Византия императори Юстиниан (VI аср) номи билан боғланган. У ҳукмдорлик қилган даврда апелляция сонига чеклов киритилган – битта иш бўйича иккитадан ортиқ бўлмаслиги, апелляция юқори судьяга берилиши, апелляция оғзаки ёки ёзма берилиши, апелляция бериш учун 10 кунлик муддат белгиланган<sup>5</sup>.

Апелляция берилишининг тартиби қатъий белгиланган: қарордан норози томон белгиланган муддат ўтгунга қадар апелляция бериш ҳақида арз қилади. Судья апелляцияни қабул қилиб, уни тааллуқлиги масаласини ҳал қилади, агар тааллуқли деб топса, апелляция берувчи шахснинг илтимосномасига кўра тегишли гувоҳнома беради (кейинчалик илтимоснома бўйича гувоҳнома бериш ўзгартирилиб, судья томонидан 30 кун муддат ичида гувоҳнома бериш тартиби киритилган). Бундай гувоҳнома ва ишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

<sup>4</sup> Дмитриев Ф. М. История судебных инстанций и гражданского апелляционного производства от Судебника до Учреждения о губерниях / Ф. М. Дмитриев. – М.: Тип. Т-во А. И. Мамонтова, 1859. С.6

<sup>5</sup> Шулин Ф. Учебник истории римского права / под ред. В. М. Хвостова; пер. И. И. Щукин. – М.: Тип. А. Лиснера и Ю. Романа, 1893. С.586

юқори турувчи судьяга йўналтирилади (кейинчалик ҳужжатларни юқори турувчи судга топшириш апелляция билан мурожаат қилган шахсни зиммасига юклатилган). Агар судья апелляцияни тааллуқли эмас деб топса, унда судьянинг шикоятни тааллуқли эмаслиги ҳақидаги қарори устидан шикоят берилиши мумкин. Апелляция император ваколат берган шахслар томонидан кўриб чиқилар ва уларнинг доираси даъвони қийматига қараб белгиланар эди. Агар даъво суммаси 500 солид бўлса - апелляцияни викарийлар, 500 солиддан ошса – преторлар томонидан кўриб чиқилар эди. Кейинчалик викарийларга даъво суммаси 720 солидгача бўлган апелляцияларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган<sup>6</sup>.

Бош апелляция инстанцияси ваколатларини император ҳамда уни ҳузурида ташкил қилинган кенгаш (консистиориум) амалга оширган. Апелляцияни киритилиши суд иш юритувини холислиги даражасини кучайтирган, шу билан бирга суд иш юритиш вақт нуқтаи назаридан секинлашган ва унинг қиймати кўтарилган. Шу билан бирга апелляцияни пайдо бўлиши билан суд хатолари бўлиши мумкинлиги тан олинган. Айнан шу хатоларни бартараф этиш учун апелляция институти жорий қилинган. Асосий мақсад аҳолини судга бўлган ишончини ошириш бўлган. Рим империяси қулаганидан сўнг апелляциядан фойдаланилмаган.

Ғарбий Европада марказлашган давлат ташкил топганда бу ҳудудда апелляция қайта жорий қилинган. Францияда апелляция институтини жорий қилиниши XIII асрга тўғри келади. Бу даврда апелляцияга судьяни адолатсизликда айбланиш деб қаралган. Қабул қилинган қарорни судья қўлида қуроли билан химоя қилиши шарт бўлган. Бундай суд дуэллари 1270 йилдаги Сент-Луиз кодексида назарда тутилган. Айнан шу ҳужжат билан махсус апелляция судлари ташкил қилинган<sup>7</sup>.

1667 йилда Фуқаролик Қарори (Ордонанс) қабул қилиниши апелляция объекти ўзгарган. Бу ҳужжатга кўра апелляция судьяга нисбатан эмас, балки суд қарорига нисбатан берилиши белгиланган. Генрих III Фармонига кўра, қиролнинг фармонларига зид бўлган ҳар қандай суд қарорлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги эълон қилинган. 1796 йилдан биринчи инстанция судининг қарорларига нисбатан апелляция шикоятлари шу судга бериш тартиби ўрнатилди. 1810 йилга келиб 1806 йилда қабул қилинган Фуқаролик-

<sup>6</sup> Неволин К. А. Энциклопедия законовещения. Т. 2. Вторая половина Особенной части / К. А. Неволин – Киев: Университетская типография, 1840. С. 447,453

<sup>7</sup> Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. З. М. Черниловского. – М.: Юрид. лит., 1984. С. 103

процессуал кодекси асосида ишларни кўриб чиқиш учун иккита инстанция киритилган. Бунинг натижасида Францияда апелляция ва кассация инстанциялари жорий қилинди.

Германияда вазият худди шу тарзда ривожланган. Миллий қонунчилик инқирози таҳминан XIV асрга тўғри келади. Германия ҳуқуқи амалиёт талабларига жавоб бермаган. Шу даврда Германияда рим ҳуқуқини қўллаш бошланган. Жумладан 1495 йилда империя суди ташкил қилинган. Бу судга Олий апелляция суди статусига эга бўлган ва унга князь, граф ёки барон раҳбарлик қилган. Суд ташкил қилинганида уни таркибига рицарлар ва олим-ҳуқуқшунослар ҳам кирган, бироқ кейинчалик – фақат рим ҳуқуқи нормаларини яхши ўзлаштирган ва уларни амалий қўллаш тажрибасига эга бўлган олим-ҳуқуқшунослар қолган<sup>8</sup>.

Англияда апелляция бу мақсадда ташкил этилган махсус Қироллик суди томонидан кўриб чиқилган. Бу судларга умумий фуқаролик ишлари бўйича судлар қарорларига берилган апелляцияларни кўриб чиқишдек ваколатлари берилган. Лекин апелляция тартибида фақат суд мажлиси баённомасидаги аниқ кўрсатилган хатоликлар бўйича ишлар кўрилиши мумкин бўлган. Агар хатоликлар суд мажлиси баённомасига акс этирилмаган бўлса, апелляция берилишига йўл қўйилмаган. Суд мажлиси баённомасида йўл қўйилган хатолик суд қарорини ҳар қандай ҳолатда бекор қилинишига асос бўлган, хаттоки бу хатолик иш мазмунига таъсир этмаган ҳолда ҳам. Бундай тартиб 1873 йилгача амалда бўлган<sup>9</sup>.

Кейинчалик факт масалалари бўйича апелляция бериш киритилган, бунда ҳакамлар ҳайъати ҳукми қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган<sup>10</sup>.

Апелляция мазмун-моҳияти, уни тарихий шаклланиши К.Н.Анненков<sup>11</sup>, Е.В.Васьковский<sup>12</sup>, А.Х.Гольмстен<sup>13</sup>, В.Л.Исаченко<sup>14</sup>, Ф.М.Дмитриев<sup>15</sup>,

<sup>8</sup> Борисова Е. А. Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе / Е. А. Борисова. – М.: Городец, 1996. С.16

<sup>9</sup> Арчер П. Английская судебная система / П. Арчер; пер. с англ. Л. А. Ветвинский; под ред. Б. С. Никифорова. – М.: Иностран. лит., 1959. С.86

<sup>10</sup> Кудрявцева Е. В. Реформа английского гражданского судопроизводства / Е. В. Кудрявцева // Законодательство. – 2000. – № 1. – С. 77–84.

<sup>11</sup> Анненков А. Н. Опыт комментария к Уставу гражданского судопроизводства. Т. 4. Решения и способы его обжалования / А. Н. Анненков. – СПб.: Тип. М. М. Стасюлевича, 1884. –С.489.

<sup>12</sup> Васьковский Е. В. Курс гражданского го процесса. С. 187.

<sup>13</sup> Гольмстен А.Х.Учебник русского гражданского судопроизводства / Под ред.: Попова Ю.А., Треушников М.К. - Краснодар: Изд-во КГАУ, 2004. – С. 352.

<sup>14</sup> Исаченко В. Л. Гражданский процесс. Практический комментарий на вторую книгу устава гражданского судопроизводства. Т. IV. -СПб., 1912. - С. 421

<sup>15</sup> Дмитриев Ф. М. История судебных инстанций и гражданского апелляционного производства от Судебника до Учреждения о губерниях / Ф. М. Дмитриев. – М.: Тип. Т-во А. И. Мамонтова, 1859. С.47



К.И.Малышев<sup>16</sup>, И.Е.Энгельман<sup>17</sup>, Т.М.Яблочков<sup>18</sup> қаби олимларнинг асарларида кўришимиз мумкин.

Совет даврида апелляция С.Н.Абрамов<sup>19</sup>, И.М.Зайцев<sup>20</sup>, А.Ф.Клейнман<sup>21</sup> томонидан кассация иш юритиш билан таққослаб кўрилган. Совет процессуалистлари апелляциянинг фақат салбий жихатларини, кассацияни афзалликларини кўрсатишган<sup>22</sup>.

Апелляциянинг мазмун-моҳияти, алоҳида белгилари Е.А.Борисова томонидан кенг таҳлил қилинган<sup>23</sup>.

Апелляциянинг алоҳида муаммолари Е.А.Степанованинг диссертация изланишларида<sup>24</sup>, арбитраж процесси доирасида И.О.Подвальный<sup>25</sup>, В.В.Грязева<sup>26</sup>, О.В.Подгрудкова<sup>27</sup> томонидан ёритилган.

Е.Г.Гойденконинг изланишлари фуқаролик процессида қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларини бекор қилиш тартибига бағишланган<sup>28</sup>, Е.В.Караваева<sup>29</sup>, Е.С.Смагина<sup>30</sup> мировой судьяларнинг қарорларини қайта кўриш таҳлил қилишган.

Қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларини қайта кўришнинг бир қатор муаммолари Г.А.Жилин<sup>31</sup>, И.А.Приходько<sup>32</sup>, Л.А.Терехова<sup>33</sup>, Р.В.Шакирьянов<sup>34</sup> томонидан кўриб чиқилган.

<sup>16</sup> Малышев К.И. Курс гражданского судопроизводства/ К.И.Малышев.-М.т.-1, С. 127

<sup>17</sup> Энгельман И. Е. Учебник русского гражданского судопроизводства. - 1904.- С.203

<sup>18</sup> Яблочков Т. М. Учебник русского гражданского судопроизводства. -Ярославль,, 1912.-С.153

<sup>19</sup> Абрамов С.Н.Гражданский процесс . Москва : Гос. изд-во юрид. лит., 1950 - С.111.

<sup>20</sup> Зайцев И. М. Устранение судебных ошибок в гражданском процессе. Саратов: Изд-во СГУ, 1985. С. 97  
Зайцев И. М. Соотношение видов пересмотра судебных решений // Основы гражданского законодательства и Основы гражданского судопроизводства Союза ССР и союзных республик. — Саратов, 1981. С. 76..

<sup>21</sup> Клейнман А.Ф. Избранные труды./Краснодар: Изд-во Совет,Кубань,, 2009.-С.207

<sup>22</sup> Жилин Г.А. Целевые установки гражданского судопроизводства и проблема судебной ошибки // Государство и право. 2000. № 3. С. 56.

<sup>23</sup> Борисова Е.А. Институт апелляции в гражданском процессе. М.: Спарк, 1996.С.31

Борисова Е.А.Неполная апелляция: необходимость закрепления в ГПК РФ // Арбитражный и гражданский процесс. М.: Юрист. 2013. № 7. С. 44-47

<sup>24</sup> Степанова Е.А. Апелляция в России: историко-правовой аспект и перспективы развития: Дисс. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 1999. -С.134

<sup>25</sup> Подвальный И.О. Апелляция и кассация в арбитражном процессе Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. СПб., 2001. -С.59 с.

<sup>26</sup> Грязева В.В. Апелляция в арбитражном процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2005.-С.97 с.

<sup>27</sup> Подгрудкова О.В. Обжалование и пересмотр решений арбитражных судов, не вступивших в законную силу: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 87

<sup>28</sup> Гойденко Е.Г. Отмена не вступивших в законную силу решений в гражданском процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2008. 188 с.

<sup>29</sup> Караваева Е.В. Вопросы апелляционного производства в гражданском процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2005.-С. 13

<sup>30</sup> Смагина Е.С. Теоретические аспекты апелляционного производства по обжалованию решений и определений мировых судей в российском гражданском процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2005. С. 99.

<sup>31</sup> Жилин Г.А Апелляция полная и неполная // Экономика и жизнь. Прил. Юрист. -2003. -№21.- С.17

Ўзбекистон Республикасида сўнги беш йил давомида қонун устуворлигини, фуқаро ва тадбиркорларни конституцион ҳуқуқларини таъминлашга, одил судловни ролини, нуфузини кучайтиришга қаратилган қамровли ислохотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил қилиниши тарихи Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, ушбу тарихий Фармонга кўра, 2017 йил 1 июндан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилган.

Бунинг натижасида том маънода маъмурий судлар тарихига асос солинди.

Ривожланган хорижий давлатларни маъмурий ҳуқуқи тарихига назар соладиган бўлсак, ривожланган давлатларда маъмурий судлар ўтган асрда ташкил қилинганлигини ва узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келганлигига амин бўламиз.

Жумладан, Германия Федератив Республикасининг 1952 йилдаги 95(1) Асосий қонуни билан оддий, маъмурий, молиявий, меҳнат ва ижтимоий юрисдикция соҳаларида Федерация Федерал суди, Федерал маъмурий суди, меҳнат низолари бўйича Федерал суди ва Федерал ижтимоий суди ташкил қилинган.

Германия Федератив Республикасининг маъмурий юстицияси тизимини тартибга солувчи асосий қонунлар – 1976 йилдаги “Маъмурий суд иш юритиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>35</sup>, 1960 йилдаги “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Қонун<sup>36</sup>.

Германия Федератив Республикасининг “Маъмурий судлар тўғрисида”ги қонуни фуқароларни бузилган ҳуқуқларини судда химоя қилиш тартибини белгилайди.

<sup>32</sup> Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы/ Дисс. ... докт. юрид. наук. М., 2005. С. 213.

<sup>33</sup> Терехова Л. А. Исправление судебных ошибок как компонент судебной защиты. — Омск, 2006. С.87

<sup>34</sup> Шакирьянов Р. В. Представление дополнительных (новых) доказательств в суд апелляционной инстанции: историко-правовой анализ и современные проблемы (к десятилетнему юбилею ГПК РФ) // Вестник гражданского процесса. 2013. № 4.-С. 32

<sup>35</sup> Закон об административном производстве 1976 г. (Verwaltungsverfahrensgesetz), далее в сносках — VwVfG

<sup>36</sup> Закон об административных судах 1960 г. (Verwaltungsgerichtsordnung),

“Маъмурий судлар тўғрисида”ги Германия Федератив Республикаси қонунининг 1-§-га кўра конституцион ҳуқуқ соҳасига кирмайдиган оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган барча низолар маъмурий органлардан ажратилган мустақил судлар амалга ошириши белгиланган.

Солиқ низоларини ҳал қилиш ваколати берилган молиявий (фискал) судлар, шунингдек ижтимоий таъминот билан боғлиқ низоларни ҳал этиш ваколати берилган ижтимоий судлар махсус маъмурий юрисдикция судлари ҳисобланади.

Ишларни асосий қисмини федерация субъектлари томонидан ташкил этган маъмурий судларнинг биринчи инстанцияси кўриб чиқади.<sup>37</sup>

Биринчи инстанция судининг қарорлари бўйича тегишли маъмурий апелляция судига шикоят қилиниш тартиби белгиланган. Маъмурий апелляция суди ишни янгидан кўриб чиқади ва янги фактларни ва далилларни инобатга олишга ҳақли. Молиявий судлар тизимида апелляция тартибида шикоят қилиш тартиби белгиланмаган.

Федерал маъмурий суд шикоятларни кўриб чиқишда охириги инстанция ҳисобланади. Федерал маъмурий суди ишларни ревизион тартибда кўриб чиқади. Солиқ муносабатларидан келиб чиқадиган низоларда бундай ваколат Федерал молиявий (фискал) судига берилган<sup>38</sup>.

Германия Федератив Ресубликасида маъмурий судлар узок йиллардан буён фаолият юритиб келган бўлсада, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар умумюрисдикция (оддий) судлар ёки ижро ҳокимияти тизимида ташкил қилинган алоҳида (махсус) органлар ҳал этиши ҳақидаги тортишувлар бўлганлигини бир нечта ҳуқуқшуносларни берилган фикрларидан кўришимиз мумкин.

Жумладан, машҳур немис ҳуқуқшуноси Отто Бер оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низолар умумюрисдикция судлари томонидан ҳал этиш тарафдори бўлган. Унинг фикрича, давлат жамиятнинг бир қисми ҳисобланиши боис, ўз ҳаракати учун жамиятнинг бошқа аъзолари жавоб берадиган судда жавобгар бўлиш кераклиги таъқидланган<sup>39</sup>.

Яна бир немис ҳуқуқшуноси Рудольф фон Гнейст эса бундай фикрга қарши бўлган ва у умумюрисдикция судлари ва оммавий ҳуқуқ судлари алоҳида бўлиши лозимлиги ҳақида фикр берган. Унинг фикрига кўра, жамият

<sup>37</sup> Закон об административных судах 1960 г.(Verwaltungsgerichtsordnung),

<sup>38</sup> Германия маъмурий процессуал кодекс.

<sup>39</sup> Kunnecke M. Tradition and Change in Administrative Law. An Anglo-American Comparison. Springer, 2007. P. 22.



ва давлат алоҳида субъект ҳисобланади, шу сабабли оммавий ҳуқуқ судлар фаолиятининг мақсади оммавий ҳокимият субъектлари томонидан бузилган ҳуқуқларни химоя қилиш эмас, балки оммавий ҳокимият органлари ҳаракатлари устидан суд назоратини ўрнатишдан иборат<sup>40</sup>.

Германия ҳукумати Рудольф фон Гнейст нуктаи назар тарафдори бўлиб, 1863 йилда Баден шаҳрида биринчи маъмурий судни ташкил этган. 1874-1875 йилларда урта инстанциядан ташкил топган маъмурий судлар тизими Пруссияда, 1924 йилгача эса шунга ўхшаш суд тизимлари Германиянинг барча ерларида ташкил этилган<sup>41</sup>.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини химоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Суд амалиёти умумлаштирилиб, таҳлил қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори ҳамда 2021 йил 27 ноябрдаги “Маъмурий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Шу ўринда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш амалиётни такомиллаштириш, қонунчиликни бир ҳил қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида “тўлиқ апелляция” ни жорий этиш лозим деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 220 моддаси 4-қисмида белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши ва биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган процессуал хатоликлар апелляция инстанция суди томонидан маъмурий ишни биринчи инстанция суди қодалари билан кўриб чиқиш йўли билан бартараф этилиши лозим.

Ушбу ёндошув адабиётда бир ҳил қувватланмайди.

<sup>40</sup> *Ibid.* P. 22.

<sup>41</sup> Singh, Mahendra P. *German Administrative Law in Common Law Perspective*. 2nd ed., Berlin: Springer, 2001. P. 22–23

Жумладан, бу ёндошувни тарафдорлари В.М.Шерстнюк, Р.В.Шакирьянов ўз фикрларини қуйидагича билдиришган.

В.М.Шерстнюк ўз фикрини “тўлиқ апелляция”да шахсинг тингланиш ҳуқуқи бузилмаслиги, судга аўз талаби ва эътирозларини тақдим этиш ҳуқуқи таъминланиши билан изоҳлаган<sup>42</sup>.

Р.В. Шакирьяновнинг тақидлашича, “тўлиқ апелляция” ваколати апелляция инстанция судига ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбормаслик ваколати апелляция инстанци судларини масъулиятини оширади, апелляция инстанция судлари зиммасига ишни мазмунан кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди. Бу ҳолатда апелляция иш юритишига талаблар кучайишига, амалиёт бир ҳил шаклланишига олиб ва энг муҳими ишни оқилона муддатда кўриб чиқилиши таъминланади<sup>43</sup>.

Апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция суди қоидалари бўйича кўришга ўтиш ҳақида ажрим чиқаради ва бу ҳолатда маъмурий иш тўлиқ биринчи инстанция суди қоидалари бўйича кўриб чиқади.

Амалдаги қонунчиликка кўра фақатгина ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва янгидан юборишга асос бўлади.

Вахоланки, Кодекснинг 220-моддаси 4-қисмида кўрсатилган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги ҳар қандай ҳолда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

## **ХУЛОСА**

Бундан кўринадикки, ушбу модданинг 4-қисми, 4-бандидан ташқари қолган асослар суд ҳужжати бекор қилишга ва янги қарор чиқаришга асос бўлади. Бу эса ўз навбатида “тўлиқ апелляция” мавжудлигидан далолат беради. Бироқ, қонунчиликда апелляция инстанция суди ишни биринчи инстанция қоидалари бўйича кўришга ўтиши қонунда расман кўрсатилмаган.

Кодекснинг 220-моддаси 4-қисми 4-бандидаги асос фақатгина ишга жалб қилинмаган 3-шахсларни ёки аризачи жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаганида ёхуд аризачининг илтимосномаси бўйича ҳам

<sup>42</sup> Шерстнюк В. М. Право быть выслушанным и быть услышанным — принцип гражданского процесса // Заметки о современном гражданском и процессуальном праве / под ред. М. К. Треушников. М., 2004. С. 57.

<sup>43</sup> Шакирьянов Р.В. Влияние идей Е. В. Васьковского на современные институты пересмотра судебных постановлений по гражданским делам

бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб қилинмаганлик ҳолатларида бўлиши мумкин.

Жавобгар ёки учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинмаган шахсни кодекс билан белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириш учун маъмурий суд ҳужжатини қайта кўришда уни бекор қилиш ва биринчи инстанция судига юбориш мақсадга мувофиқ эмаслиги таҳлил этилиши лозим.

Ушбу ҳолат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолатда бекор қилиниши жалб қилинмаган шахсларнинг судда иштирок этиш ҳуқуқини тиклаш усули деб баҳолайдиган бўлсак, унда ишда иштирок этувчи, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигида кўрилиши – биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилига асос бўлмаганлиги судда иштирок этмаган шахсни ҳуқуқини бузиш деб баҳоланиши керак.

Шу сабабли бу ҳолатларни баратараф этиш мақсадида Кодекснинг 220-моддаси 4-қисмида кўрсатилган асослар бўйича апелляция инстанция суди маъмурий ишни биринчи инстанция қоидалари билан кўришга ўтиши институтини киритиш лозим.

Маъмурий суд ҳужжатларини қайта кўришда “тўлиқ апелляция” ни жорий этиш маъмурий иш бўйича иштирок этувчи шахсларни ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, ишда иштирок этувчи шахсларни сарсон бўлишини олдини олишига, вақтини тежашига хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы/ Дисс. ... докт. юрид. наук. М.,2005. С. 213.
2. Терехова Л. А. Исправление судебных ошибок как компонент судебной защиты. — Омск, 2006. С.87
3. Шерстюк В. М. Право быть выслушанным и быть услышанным — принцип гражданского процесса // Заметки о современном гражданском и процессуальном праве / под ред. М. К. Треушников. М.,2004. С. 57.
4. Шакирьянов Р.В. Влияние идей Е. В. Васьковского на современные институты пересмотра судебных постановлений по гражданским делам